

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

— 2-2021 —

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Муассис: Фарғона давлат университети.
«FarDU. ILMİY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журналі бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

Таҳририят ҳайъати

Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир

МАКСУДОВ Р.Х.
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОҢОВ Ш. (Ўзбекистон)
БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)
РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)
ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Туркия)
ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR. (Япония)
LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)
АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)
КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)
БАХОДИРХОҢОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)
БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)
КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)
ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)
ТОЖИБОВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)
ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)
ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)
РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)
ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)
ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)
ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)
ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)
АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)
ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)
ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)
ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)
ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)
АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)
СОЛИЖОНОВ Й. (Ўзбекистон)
МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОҚОВ Э. (Ўзбекистон)
ИСКАҢДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)
МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)
ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)
КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)
САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)
ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)
ҒОҒУРОВ А. (Ўзбекистон)
АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)
ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)
ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)
ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)
УСМОҢОВ Б. (Ўзбекистон)
АШИРОВ А. (Ўзбекистон)
МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)
ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)
БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

Муҳаррир: Ташматова Т.
Жўрабоева Г.

Мусахҳиҳлар: Шералиева Ж.
Мамаджонова М.

Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Босишга рухсат этилди: 02.07.2021

Қоғоз бичими: 60×84 1/8

Босма табағи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма № 49

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

Фарғона,
2021.

М.Ражабова	
Навоий ижодида қушлар ва ҳайвонлар образининг халқона асосларда ифодаланиши.....	74
Н.Шарафиддинова	
Поэтик синтаксис тушунчасининг белгиланиши ва предмети	79
	ТИЛШУНОСЛИК
М.Абдупаттоев	
Полисиндетон – полифункционал синтактик фигура	87
М.Турдибеков	
Конибодом тумани макро ва микро топонимлари	92
М.Усманова	
“Кўҳна дунё” асарида қўлланган арабий ва форсий изофанинг лингвистик хусусиятлари	96
М.Иброхимова, Т.Алимов	
Лингвокреатив медиамайдонда тилнинг экологик софлигини сақлаш.....	99
М.Мадаминова	
Мурожаат шаклларининг прагматик хосланиши.....	104
С.Ҳабибуллаева	
Исажон Султон ҳикояларида маънодош ҳамда зид маъноли сўзларнинг лексик-семантик хусусияти.....	111
А.Уралов	
Асимметрик дуализм ва функционал транспозиция	115
	ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ
Р.Сафарова	
Ўқувчиларда маданий дунёқарашни шакллантириш параметрлари.....	120
Э.Мирзажонова	
Шахснинг когнитив ривожланишининг эрта ташхиси ва ўзаро боғлиқлиги таълим самарадорлиги омили сифатида.....	124
М.Туйчиева	
Ўқув фани материалларини ўқишлилик даражасини оширадиган таълим методлари	129
	ИЛМИЙ АХБОРОТ
М.Рахимов, Х.Муйдинов, А.Комилжонов	
Четдан келтирилган қорамол ғунажинларини парваришlashнинг жадал технологияси	134
Р.Пирназаров	
Қурбонқўл қулама тўғонининг филтрацион кўрсаткичларини ҳисоблаш.....	137
Б.Холматова	
Учинчи ренессанс даврида маънавий ишлаб чиқаришни юксалтириш эҳтиёжи.....	140
Н.Собиров, С.Исроилова	
Хўжанддаги биринчи дунё урушининг Австрия-Венгрия кучларининг излари	144
М.Болтабоев	
Совет ҳокимияти ўрнатилган йилларда вақф мулкларининг аҳволи	147
Д.Абдуллаев	
Музей жамланмасида давлат мукофотларининг ўрни ва аҳамияти.....	150
Н.Исраилов	
“Шарқ кутубхонаси” асарида Амир Темур томонидан Хуросоннинг забт этилиши масаласини ўрганилиши.....	154
А.Мусаев	
XVII аср бошларида Фарғона водийсидаги сиёсий кураш	159
С.Ҳамрақулов	
“Фарғона” газетасида хорижий мамлакатлардаги воқеаларнинг ёритилиши	163

УДК:-930.1

XVII АСР БОШЛАРИДА ФАРҒОНА ВОДИЙСИДАГИ СИЁСИЙ КУРАШ

ПОЛИТИЧЕСКАЯ БОРЬБА В ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЕ В НАЧАЛЕ XVII ВЕКА

POLITICAL STRUGGLE IN FERGHANA VALLEY AT THE BEGINNING OF THE XVII CENTURY

Мусаев Азизбек Бахридинович¹

¹Мусаев Азизбек Бахридинович

– Фарғона давлат университети Ўзбекистон тарихи кафедраси ўқитувчиси.

Аннотация

Мақолада XVII аср бошларидаги Фарғона водийсининг сиёсий тарихи ҳақида айрим фикр-мулоҳазалар баён қилинган. Водийнинг аштархонийлар ва қозоқлар ўртасида баҳсли минтақага айланганлиги ушбу даврга оид бирламчи ва иккиламчи манба ҳамда адабиётлар асосида танқидий, таҳлилий тадқиқ этилган.

Аннотация

В статье представлены некоторые рассуждения о политической жизни Ферганской долины в начале 17 века. На основе первоисточников того периода и литературы, соответствующей тематики критически проанализирован факт превращения долины в спорный регион аштарханидов и казахов.

Annotation

The article provides some reflections on the political life of the Fergana Valley at the beginning of the 17th century. On the basis of primary sources of that period and literature, relevant topics, the fact that the valley has turned into a disputed region between Ashtarkhanids and Kazakhs is critically analyzed.

Таянч сўз ва иборалар: Фарғона, қозоқлар, аштархонийлар, Таваккалхон, Келди Муҳаммад, Боқимуҳаммадхон.

Ключевые слова и выражения: Фергана, казахи, аштарханиды, Таваккалхан, Келди Мухаммад, Боқимуҳаммадхан.

Key words and expressions: Fergana, Kazakh, Ashtarkhanids, Tavakkalkhan, Keldi Muhammad, Bokimuhammadkhan.

Шайбонийлар сулоласининг қудратли вакили Абдуллахон II ҳукмронлигининг сўнгги даврида мамлакатнинг ички ва ташқи аҳволи бирмунча мураккаблаша бошлади. Жануби-ғарбий чегараларда сафавийлар давлати Аббос II ҳукмронлиги остида аста-секин кучайиб, Хуросонни забт этишга интилаётган бўлса, шимоли-шарқий сарҳадларда кўчманчи қозоқларнинг хавфи ортиб бораётган эди. Бундан ташқари, Абдулмўминнинг ўз отасига бўйсунмаслик ҳаракати ҳам давлатни ич-ичидан заифлаштирди. Юқоридаги ички ва ташқи омиллар шайбонийлар давлатининг инқирозидан дарак берарди. Бундай шароит Мовароуннаҳрнинг шарқий чегарасида жойлашган Фарғона водийсидаги сиёсий вазиятнинг кескинлашувига олиб келиши муқаррар эди. Тарихий воқеаларнинг бундан кейинги ривожини ҳам шуни кўрсатади.

1598 йили Абдуллахон II ва унинг вориси Абдулмўминнинг вафоти шайбонийлар давлатидаги инқирозни бошлаб берди. Тахтга ўтирган Пирмуҳаммадхон жуда мураккаб вазиятда қолди. Хуросон сафавийлар қўлига ўтиб,

Сирдарё бўйлари, Тошкент ва Фарғонани эгаллаган қозоқ хони Таваккалхон бевосита Мовароуннаҳрнинг марказига қараб юраётган эди. Гарчи Самарқанд бой берилган бўлса-да, кейинчалик Пирмуҳаммадхон аштархонийлардан бўлган Боқимуҳаммад ёрдамида қозоқларни мағлуб этди ва Зарафшон воҳасини ўз қўлида сақлаб қолди. Лекин бу ғалаба Тошкент ва Фарғона водийсини қозоқ хонлари тасарруфидан қайтариб олишга етарли эмас эди. Шундай бўлса-да, 1599 йили Таваккалхоннинг вафот этиши билан шайбонийларда мамлакатнинг шимоли-шарқий ҳудудларини, жумладан, Фарғона водийсини қайтариб олиш имконияти пайдо бўлди. “Пирмуҳаммади соний, – деб ёзади Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған, – Таваккал султон қозоқни мағлубиятга учратгач, Бухорода хонлик тахти ва жаҳонбонлик ўриндиғига ўтирди. Жаҳонгир султонни Тошкент вилояти волийлигига тайинлаб, Муҳаммад Саъид жалойирга эса унинг Отолиқи вазифасини юклади ва Жаҳонгир султонга қўшиб, ўша томонга юборди” [5.186]. Муаррих маълумотида кўра,

Жаҳонгир султон Тошкентда бир йил ҳукумат юргизган. Демак, юқоридаги маълумотга кўра, Жаҳонгир султон Тошкентни 1599-1600 йилларда бошқарган.

Фарғона бу вақтда Жаҳонгир султон бошқарувидаги Тошкент мулки таркибида бўлганлиги ҳақида маълумотлар йўқ. 1599 йилда қозоқ хони Таваккалхоннинг вафот этиши, Тошкент ва Фарғона водийсида қозоқларнинг сиёсий мавқеига жиддий путур етказган. Натижада, Тошкентда шайбонийлар ҳукмронлиги бир оз муддатга қайта тикланади. Лекин Фарғонада бу пайтда ким ҳукмрон бўлганлиги номаълум. Ўша пайтдаги сиёсий вазиятдан келиб чиқиб, бир неча мулоҳазаларни билдириш мумкин:

– Бу пайтда Фарғона водийсида қозоқ хонлари маълум даражада ўз ҳукмронликларини сақлаб қолишган, чунки Таваккалхон вафот этиши ва Тошкент шайбонийлар қўлига ўтган бўлса-да, Фарғонани ҳам шайбонийлар томонидан қайта эгаллаш учун етарли куч мавжуд эмас эди. Қолаверса, Жаҳонгир султон тасарруфида бўлган мулклар таркибида Фарғона водийси қайд этилмаган. Шунинг учун ҳам бу ерда қозоқ султонларидан бири ҳукмронликни давом эттирган бўлиши мумкин.

– Шу билан бирга шайбонийлар даврида Фарғона водийси Тошкент шаҳридаги ҳокимлар томонидан бошқарилганлик анъанасини эътиборга олиш лозим. Агарда бу анъанага таяниб фикр юритсак, Фарғона ҳокимлари расман бўлса ҳам Жаҳонгир султонга бўйсунганлиги ҳақида мулоҳаза билдириш мумкин;

– 1599 йилдан сўнг водийда маҳаллий руҳонийларнинг сиёсий таъсири кучайган ва, ҳаттоки, ҳокимият ҳам уларнинг қўлига ўтган бўлиши мумкин. Сабаби 1598 йилда Таваккалхон айнан уларнинг ёрдами билан Андижонни қўлга киритган эди. Табиийки, бу ёрдам учун Таваккалхон уларни рағбатлантирган ва бу рағбат уларни ҳам маънавий, ҳам сиёсий таъсирларини оширган;

– Водийда маҳаллий кучлар ҳокимиятни ўз қўлларига олишни бошлашган. Сабаби тарихдан маълумки, кўчманчи халқларнинг ўтроқ ҳудудларга ҳужуми доимо кенг миқёсли талончилик юриши бўлиб келган. Бу эса оддий халқ билан бир қаторда маҳаллий бек ҳамда амирларга ёқмаган ва улар қулай сиёсий вазиятдан фойдаланиш учун ҳаракатга

келишган бўлиши керак. Айнан 1602 йилда улар шайбоний Бобо султоннинг ўғли Абдусаттор султон авлодининг сохта вакилларини топиб, Андижон ва Тошкентни эгаллашган.

Биз юқоридаги фаразлардан иккинчи, учинчи ҳамда тўртинчи мулоҳазаларни нисбатан асосли, деб ўйлаймиз.

Миёнқолда Таваккалхон устидан қозонилган ғалабадан сўнг, Самарқанд ҳокимига айланган Боқимухаммаднинг шайбонийлар хони–Пирмухаммад билан муносабатлари ёмонлаша бошлади. Боқимухаммаддан Миёнқолдаги Дабусия қалъасини ҳимоя қилиш чоғида Пирмухаммадхон қўшинлари сафида Жаҳонгир султон борлиги ҳам қайд этилади [5.186]. Боқимухаммад Дабусия жангида асир олинган Жаҳонгир султонни Бухорога, Пирмухаммадхон хузурига юборади. Жаҳонгир султоннинг Миёнқолда пайдо бўлиши икки сабабга кўра бўлиши керак.

Биринчиси, Пирмухаммадхонга аштархоний Боқимухаммадга қарши курашда ёрдам бериш учун келган.

Иккинчиси эса қозоқлар қайтадан Тошкентни эгаллагани учун Жаҳонгир султон ортга қайтишга мажбур бўлган. Агар шу фикр тўғри бўлса, 1602 йилда Андижондаги бир гуруҳ амирлар Тошкентни Таним султондан тортиб олишгани таъкидланади [5.173]. Бундан кўринадики, қозоқ хони Ҳақназархоннинг ўғли Таним султон тахминан 1600 йиллар атрофида Тошкентни эгаллаб, қайтадан қозоқ хонларининг ҳокимиятини ўрнатган.

1601 йили Самарқанд яқинидаги Боғи Шамолда бўлиб ўтган жангда Пирмухаммадхон енгилиб, Мовароуннаҳрда янги сулола – Аштархонийлар ҳукмронлиги ўрнатилди [1.103]. Боқимухаммадхон марказий ҳокимиятни қўлга киритгач, маъмурий ўзгаришларни амалга ошириб, ўз таъсир доирасини кенгайтириш учун ҳаракат бошлади. Айни шу пайтда Фарғона водийсида маҳаллий амирларнинг сиёсий ҳаракатлари фаоллашади. “Мусаххир ал-билод” асарида бу тўғрида айрим тафсилотлар келтирилган. “Абулғозий Боқий Муҳаммадхон подшоҳлигининг бошида, – деб ёзади муаррих, – бир нечта ўзбеклар Андижон вилоятида Абдусаттор султон авлодидан бир қанча кишини топиб, подшоҳлик тожини бошига қўйишди ва олам аҳли орасида бу гапларни овоза қилишди. Улар Пари Лаклаконт туманига қарашли Язак

мавзеида аштархоний Вали Муҳаммадхоннинг оталиғи Сархунбий жалойирга зарба беришади. Тошкентга хужум қилишиб, уни қозоқ хони Ҳақназархоннинг ўғли Таним султондан тортиб олишади. Улар ичида Келди Муҳаммад султон ўз иттифоқчиларини ўлдириб, ўз номига хутба ўқитади ҳамда танга зарб эттиради [5.173].

Манбадаги ушбу маълумотлар бир қатор мулоҳазаларни келтириб чиқаради.

Биринчидан, Фарғона водийсидаги сиёсий кучлар Туркистон ва Тошкент шаҳарларидан бошқарилаётган қозоқ султонлари ҳукмронлигидан норози бўлишган ва ўз мустақилликларига эришиш учун ҳаракат қилишган.

Иккинчидан, улар бу мақсадларига эришиш йўлида шайбонийларнинг Фарғонадаги вакилларидан фойдаланишга интилишган. Шунинг учун ҳам баъзи манбаларда бу ҳаракатнинг тепасида турган йўлбошчилар шайбонийлар сулоласининг вакиллари сифатида талқин қилинади.

Шу ўринда, ушбу жараён билан боғлиқ воқеаларда номлари зикр этилган тарихий шахсларнинг келиб чиқишига тўхталиб ўтиш зарур. Аслида шайбоний Абдусаттор султон Тошкент ҳокими Бобо султоннинг учинчи фарзанди бўлиб, Абдуллахон II билан Саброндаги жанглиридан сўнг, 1582 йилда қатл этилган эди. Демак, Андижондаги айрим ўзбек амирлари XVII аср бошларида ташқи сиёсий вазиятдан унумли фойдаланиш мақсадида шайбоний ҳукмдорлар (аслида улар сохта ҳукмдорлар) орқали ҳам қозоқ хонлари, ҳам аштархонийларга бўйсунмай, Фарғона водийси ва Тошкентни мустақил бошқаришни мақсад қилишган. Сохта шайбонийлар уларга ўз ҳокимиятларининг легитимлигини асослаш учун зарурлиги тушунарли, албатта.

Тошкентда ўз ҳокимиятини ўрнатган Келди Муҳаммадхон ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. “Мусаххир ал-билод” асарида унинг Андижондаги бир гуруҳ ўзбеклар жамоаси вакили эканлигига ишора қилинса, Искандар Мунши уни қозоқ султони деб, қайд этади [2.824-6]. Илмий адабиётларда эса Келди Муҳаммадхон Тошкентни бошқарган қозоқ ҳукмдори сифатида баён этилмоқда. Жумладан, А.К.Алексеев [1.112], М.Н.Абусейтова [3.344], Т.Султонов [6.100]лар Келди Муҳаммадхоннинг қозоқ султони эканлигини алоҳида қайд этишган.

Бизнингча, ушбу ҳукмдор ҳақида муаррихлар берган маълумотни қайтадан тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир. Чунки юқорида қайд этганимиздек, ушбу даврдаги тарихий воқеаларга яқин бўлган Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған уни қозоқ султонлардан бири сифатида таърифламаган.

Аштархонийлар ҳукмдори Боқимуҳаммадхон мамлакатнинг шимоли-шарқий ҳудудларидаги сиёсий жараёнларга таъсир ўтказа олмади. У Тошкент ва Фарғона ҳудудларини бўйсундиришни мақсад қилган бўлса-да, бу ишни амалга оширишига мамлакатнинг жанубидаги сиёсий воқеалар халақит берди. Ҳокимият Бухорода аштархонийлар қўлига ўтгач, мамлакат жанубидаги шайбонийлар сафавийлар паноҳига қочишган эди. Бу қулай вазиятдан фойдаланган сафавийлар шоҳи Аббос II катта қўшин билан Балх томон юриш бошлаган. 1602 йили Пули Хатоб жангида сафавийлар қўшини тор-мор этилди [1,106]. Ушбу ғалабадан кейингина Боқимуҳаммадхон ўз эътиборини Тошкент ва Фарғона ҳудудларини марказий ҳукумат таркибига қайтариб олиш учун ҳаракат бошлади. Боқимуҳаммадхон ўз мақсадига эришиш учун мамлакатнинг шимоли-шарқий ҳудудлари томон икки марта лашкар тортган.

1603-1604 йиллари Боқимуҳаммадхон Тошкент ва Андижонни ўз тасарруфида тутиб турган Келдимухаммадхон билан жангга киришади. Боқимуҳаммадхоннинг дастлабки юриши муваффақиятсизлик билан тугаган. Мағлубиятга учраган Боқимуҳаммадхон Самарқанд остоналарига қадар етиб келган Келди Муҳаммадхон лашкарини маҳаллий амирлар ёрдамида тўхтатиб қолади. Ж.М.Тулибаева “Баҳр ул-асрор” асарига асосланиб, Келди Муҳаммадхон бошчилигидаги лашкар қозоқ ва қирғизлардан иборат бўлганлигини таъкидлаган [7,9]. Бундан кўринадики, Келди Муҳаммадхон аштархонийларга қарши курашда қозоқ ва қирғиз қабилаларининг ҳарбий кучларидан фойдаланган. Ўз навбатида, улар ҳам Мовароуннаҳрнинг шимоли-шарқий ҳудудларида аштархонийлар ҳукмронлигининг ўрнатилишидан манфаатдор эмас эдилар.

Келди Муҳаммадхон Боқимуҳаммадхон устидан ғалаба қозонган бўлса-да, унинг ҳокимияти мустаҳкам бўлиб чиқмади. Ҳар ҳолда Боқимуҳаммадхоннинг шимоли-шарқий ҳудудларга қилган иккинчи юриши

вақтида Келди Муҳаммадхон бу ерларнинг ҳукмдори эмас эди. Кейинги воқеалар таҳлилига кўра Тошкент яна қозоқлар томонидан эгалланади. Тошкент ва Фарғонада қозоқлар ҳукмронлигининг ўрнатилишидан норози бўлган кучларнинг мавжудлигидан фойдаланган сиёсий гуруҳлар Туркистондаги Абул Манғит элидан чиққан сохта Абдулғаффор султонни тахтга чиқариш баҳонасида ҳокимият учун кураш бошладилар. Улар тез орада Тошкент воҳаси ва Фарғона водийсини ўзларига бўйсундиришга эришдилар. Лекин сохта Абдулғаффор султоннинг ҳукмронлиги ҳам узоққа бормади. У қозоқ султонлари Эшимхон ва Баҳодурхон томонидан Қорақамишда ўлдирилди [4,46]. Шу тариқа яна Тошкент ва Фарғонада қозоқлар ҳукмронлиги ўрнатилди. Юқорида таъкидланган воқеаларнинг барчаси, яъни, Келди Муҳаммадхоннинг Самарқандгача боришидан то Абдулғаффор султоннинг ўлдирилиши воқеалари 1603-1605 йиллар ичида бўлиб ўтганлигини эътиборга олсак, Тошкент ва Фарғонадаги сиёсий кураш жуда қизғин кечганлигини кўришимиз мумкин.

Тошкент ва Фарғонада кечаётган ушбу сиёсий жараёнлар Боқимуҳаммадхон учун қулай шароит туғдирди. Унинг Мовароуннаҳрнинг шимоли-шарқий ҳудудларини забт этиш учун қилган иккинчи юриши анча омадли яқунланган. А.К.Алексеевга кўра, кўп сонли Бухоро қўшинининг яқинлашиши билан қозоқ султонлари сулҳга рози бўлиб, аштархонийларга бож ва ҳирож тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олганлар [1.112].

Шуни алоҳида қайд этиш мумкинки, Боқимуҳаммадхон учун муваффақиятли бўлган юқоридаги юриш якунида тузилган сулҳда томонларнинг мажбуриятлари ҳақида тўлиқ маълумот йўқ бўлса-да, яқунда Тошкент, Сирдарё бўйидаги шаҳарлар ва Фарғона водийси қозоқлар таъсирида қолган. Бундан кўринадики, Боқимуҳаммадхон қозоқлар билан тузган сулҳ шартномаси қозоқларни Бухоро хонлигидаги марказий вилоятларга ҳужум қилмаслик ва бунинг эвазига Бухоро хони қозоқ султонларини Тошкент ва Фарғонадаги ҳукмронлигини эътироф этганлиги билан характерланади.

Адабиётлар:

1. Алексеев.А.К. Политическая история Тукай-Тимуридов: По материалам персидского исторического сочинения Бахр ал-асрар. –СПб.: Изд-во С.-Петербур. ун-та, 2006.
2. Eskandar Beg Monshi. History of Shah Abbas the Great Volume II // translated by Roger M. Savory, – Boulder, Colorado: Westview Press, 1930.
3. История Казахстана в персидских источниках / Отв. ред. М.Х. Абусейтова; сост. М.Х. Абусейтова. – Алматы: Дайк-Пресс, 2007. Том V. Извлечения из сочинений XIII-XIX веков..
4. Мукминова Р.Г. Тўрт аср олдинги Тошкент. – Тошкент: Фан,1984.
5. Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған. Мусаххир ал-биллод // Форс тилидан таржима, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари: Исмоил Бекжонов, Дилором Сангирова, кириш муаллифлари: Шодмон Воҳидов, Исмоил Бекжонов, Дилором Сангирова, – Тошкент: Янги аср авлоди,2009.
6. Султонов Т.И. Поднятые на белой кошме. Ханы казахских степей. – Астана. 2006
7. Тулибаева Ж.М. История Казахстана в Аштарханидских источниках // Доклады НАН РК - Алматы, 2013. - № 4.
https://www.academia.edu/6978306/История_Казахстана_в_Аштарханидских_источниках_Доклады_НАН_РК_Алматы_2013.
8. Мусаев А.Б. Political processes in the Fergana valley at the turn of the XVI-XVII centuries // Asian Journal of Multidimensional Research. 2020. vol.9.Issue 11. November. 2020.

(Тақризчи: Б.Усмонов – тарих фанлари доктори).